Ҳалол меҳнатингиз роҳатини кўринг!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
24 октябрь
ШАНБА
№ 85 (12825)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ДЕҲҚОНЛАРИ ВА ФЕРМЕРЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА ТАБРИКНОМА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азиз деҳқон ва фермерлар, сувчи, агроном ва механизаторларни, барча дала меҳнаткашларини ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини адо этганингиз билан самимий мубораксбод этишни ўзим учун катта шараф деб биламан.

Ўз ҳаётини дунёдаги энг машаққатли ва олижаноб ишга бағишлаган сиздек фидойи инсонларнинг йил бўйи тер тўкиб қилган меҳнатингиз ҳисобидан жорий мавсумда 7 миллион 300 минг тонна ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд пахта етиштиришга, шунингдек, пиллачилик, чорвачилик, мевасабзавот ва бошқа тармоқлар бўйича ҳам белгиланган режаларни муваффақиятли бажаришга эришганимиз ҳаммамизга катта хурсандчилик етказади.

Бугунги мана шундай қувончли кунда 2015 йилнинг биз учун ҳар томонлама хосиятли ва омадли келгани, йўлимизни ўзи очиб бераётгани учун аввало Яратганимизга шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Айни вақтда ҳаммамиз яхши тушунамиз – деҳқончиликда осон йилнинг ўзи бўлмайди. Бу йилги мавсум ҳам турли ташвишлардан ҳоли бўлмагани, айниқса, март ойида кутилмаганда қор ёғиши, қаттиқ совуқлар, ёз ойларида ҳаво ҳарорати илгари ҳеч қачон кузатилмаган даражада юқори бўлиб, айрим ҳудудларда 45 даражагача етгани катта қийинчилик ва муаммолар туғдириб, қишлоқ меҳнаткашларининг иродасини яна бир бор жиддий синовдан ўтказгани барчамизга маълум.

Кўпни кўрган, азму шижоатли ва матонатли деҳқонларимиз ана шундай қийинчиликларни мардона енгиб, кунни – кун, тунни – тун демасдан, ҳар туп экин атрофида парвона бўлиб, мўл ҳосил етиштиришга эришгани, ҳеч шубҳасиз, ҳар қандай таҳсин ва тасаннога муносибдир.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихига ёрқин саҳифа бўлиб кирадиган бу йилги мавсумнинг юксак натижалари ҳақида гапирар эканмиз, бунинг замирида аввалambор чуқур ўйланган, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар, аграр соҳа ривожини замонавий босқичга кўтариш, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш бўйича олиб бораётган стратегик йўлимиз мужассам эканини таъкидлаш ўринлидир.

Бугунги кунда ер ўзининг ҳақиқий эгасини топиб, фермерлик ҳаракати қишлоқларимиз тараққиётида ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётгани, далада ишлайдиган ҳар бир одамда ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти кучайиб, уларнинг келажакка ишончи янада мустаҳкам бўлиб бораётгани – буларнинг барчаси нафақат қишлоқ хўжалигини, балки бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартирмоқда.

Барчамизга аёнки, бошқа соҳаларга қараганда ўзининг ғоят нозиклиги, кўп меҳнат, катта билим ва тажриба талаб қилиши билан ажралиб турадиган пахтачиликда юксак натижаларни қўлга киритиш осон эмас.

Бу ҳақда гапирганда, йил давомида қишлоқ меҳнаткашларининг ишни тўғри ташкил этиб, юксак сафарбарлик ва уюшқоқлик билан белни қаттиқ боғлаб меҳнат қилгани, моддий-техник таъминот, барча агротехник тадбирларни, хусусан, чеканка ва дефолиацияни ўз вақтида, сифатли ўтказиш масалаларига жиддий эътибор қаратилганини алоҳида қайд этиш зарур. Энг муҳими, етиштирилган пахта ҳосили ғоят қисқа муддатларда – 35-40 иш кунида йиғиб-териб олингани, унинг 90 фоизи юқори сортларга топширилгани камдан-кам учрайдиган ҳодиса, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бугунги хурсандчилик кунда шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб бажарган Андижон, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек, барча вилоятларимизнинг пахтакорлари мамлакатимизнинг юксак хирмонини бунёд этишга муносиб ҳисса қўшганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Шу борада Амударё, Қораўзак, Пахтаобод, Булоқбоши, Олот, Ромитан, Дўстлик, Миришкор, Касби, Қизилтепа, Мингбулоқ, Наманган, Каттақўрғон, Оқдарё, Сирдарё, Бўка, Юқори Чирчиқ, Бешариқ, Ёзёвон, Тошлоқ, Хива, Янгиариқ, Қўшкўпир туманлари 20-25 иш кунида режани адо этиб, кўпчиликка ўрнак ва намуна бўлганини алоҳида қайд этиш лозим.

Айниқса, Элликқалъа туманидаги "Рўзимбой бобо", Пахтаобод туманидаги "Олтин", Қорақўл туманидаги "Ҳосилдор", Мирзачўл туманидаги "Бахтиёр Асад ўғли", Қарши туманидаги "Нуқрабод", Миришкор туманидаги "Камалак", Навбаҳор туманидаги "Янги ер", Мингбулоқ туманидаги "Барака", Каттақўрғон туманидаги "Ҳосил", Оқдарё туманидаги "Тожмаҳал Зарафшон", Қумқўрғон туманидаги "Саодат", Сайхунобод туманидаги "Қоратой Мирзаев", Юқори Чирчиқ туманидаги "Тангриберди ота", Олтиариқ туманидаги "Нурли обод", Қува туманидаги "Олтин диёр, оқ олтин", Янгибозор туманидаги "Бегиобод Бўзқалъа", Ҳазорасп туманидаги "Ғафур Руҳия" сингари фермер хўжаликлари гектаридан 45-50 центнерга етказиб ҳосил олишга эришгани таҳсинга сазовордир.

Жорий йилда қўлга киритган ютуқларимиз, мавсумни ёруғ юз билан якунлаётганимиз тўғрисида гапирганда, албатта ғаллачилик ҳақида сўз юритишимиз табиийдир. Бу тармоқда юртимизда мисли кўрилмаган улкан хирмон бунёд этган, барчамизнинг ризқу насибамиз, нонимизни бутун қиладиган деҳқон ва фермерларимиз, соҳа мутахассисларининг мардона меҳнатига қойил қолиб, уларга ҳар қанча миннатдорлик билдирсак, арзийди, албатта.

Мамлакатимиз бўйича ғалла ҳосилдорлиги ўртача 53 центнерга етгани, бу кўрсаткич Андижон вилоятида 71 центнер, Бухоро вилоятида 60 центнер, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида 57 центнерни, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида 56 центнер, Фарғона вилоятида 55 центнер, Тошкент вилоятида 52 центнерни ташкил этгани, кўпгина туманларда бу рақам 60-77 центнердан зиёд бўлгани, ҳеч шубҳасиз, қишлоқ хўжалигимиз тарихидаги улкан натижадир.

Фермерлик ҳаракати имкониятларидан самарали фойдаланган Учқўприк туманидаги "Фаровон ҳаёт сари", Олтиариқ туманидаги "Хайрулла Баҳром Бойматов", Бувайда туманидаги "Ёқубжон ота", Ромитан туманидаги "Файз-2000", Қизилтепа туманидаги "Наргиз диёр", Хатирчи туманидаги "Турсунов Камолиддин", Термиз туманидаги "Сурхон Саррвари", Хўжайли туманидаги "Одилбек", Бухоро туманидаги "Ислом Нарзи Обод", Олот туманидаги "Жумагелди", Яккабоғ туманидаги "Улаш ҳожи Жалил ўғли", Навбаҳор туманидаги "Арслон бобо", Учқўрғон туманидаги "Учқўрғон элита сервис", Пайариқ туманидаги "Ҳазрат полвон Усмонов", Денов туманидаги "Исмоилова Мавлуда Ғуломовна" каби ўнлаб, юзлаб фермер хўжаликлари 85-95, ҳатто 100 центнердан ҳам юқори ҳосил олгани ўзбек деҳқонлари қандай буюк ишларга қодир эканининг яна бир амалий намоёнидир.

Ҳақиқатан ҳам, яқин ўтмишда четдан кимларгадир ялиниб, катта-катта маблағлар эвазига дон олиб келадиган, ҳатто бир ҳафта-ўн кунга етадиган ун захираси қолган оғир кунларни бошидан кечирган Ўзбекистон бугунги кунда 31,5 миллиондан зиёд аҳолисини нафақат ғалла билан таъминлаётган, керак бўлса, уни экспорт қилаётган мамлакатга айлангани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Бу йил етиштирилган ғалла ҳосилининг 57 фоиздан кўпроғи, яъни 4 миллион 210 минг тоннадан ортиғи фермер хўжаликлари ва аҳолининг ихтиёрида қолдирилганини қишлоқ аҳлининг омборлари донга, хонадонлари қут-баракага тўлаётгани, моддий манфаатдорлиги ортиб бораётганининг амалий тасдиғи сифатида қабул қиламиз.

Ана шундай улкан, илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган марраларни эгаллашда кейинги етти йилда 1 триллион 627 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 2 миллион 45 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришганимиз, таъбир жоиз бўлса, ернинг дардига малҳам қўйганимиз мустаҳкам замин бўлди.

Бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилаётган бундай ишларимизнинг самарасини кейинги икки йилда пахта ва ғалла бўйича ҳосилдорлик гектарига ўртача 2-5 центнерга ошгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Бу йил ёз ойларида, ҳаво ғоят иссиқ келган бир шароитда аввалambор ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган миришкор деҳқонларимизнинг маҳорати, маҳаллий ўғитни ўз вақтида бериш, ҳар томчи сувдан тежаб-тергаб оқилона фойдаланиш каби агротехник тадбирлар ҳосил тақдирини ҳал қилишда етакчи ўрин эгаллади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу билан бирга, серҳосил ва эртапишар, турли касалликларга чидамли ғўза навларини яратиш ва районлаштириш бўйича муҳим натижаларга эришаётган селекционер олимларимизнинг бу ютуқларда муносиб хизматлари борлигини алоҳида эътироф этиш ўринлидир.

Бугунги замонавий агротехнологияларни пухта ўзлаштирган, ер билан тиллашиб яшайдиган, турли зараркунанда ва касалликларнинг олдини олишда маҳорат кўрсатган агроном ва мутахассислар ҳақида гапирганда, ана шундай кенг қамровли ишларни бошқарган, масъулиятни ўз зиммасига олиб, барча муаммо ва жумбоқларни оқилона ҳал қилган фермерларимизни ҳурмат билан тилга оламиз.

Бу йилги юксак марраларга етишда беқиёс ҳисса қўшган, уй-рўзғор юмушлари билан бирга дала ишларида фаол иштирок этиб келаётган муҳтарама аёлларимиз, опа-сингилларимизга яна бир бор ўзимнинг юксак эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Жорий йилда қўлга киритган марра ва ютуқларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларнинг негизида ётган омилларни аввало ерга меҳрини аямасдан бераётган, таъбир жоиз бўлса, тупроқдан олтин ундириб яшаётган деҳқон ва фермерларимизнинг юксалиб бораётган дунёқараши, меҳнатга муносабати, қисқа қилиб айтганда, қишлоқ аҳлининг ҳаёт фалсафаси тубдан ўзгараётганида кўришимиз даркор, деб ўйлайман.

Мен жойларда бўлиб, дала меҳнаткашлари билан суҳбатлашганимда, бу одамлар нафақат ўз соҳаси, балки бутун юртимиз тақдири, ёшларимиз келажаги ҳақида қандай тўлқинланиб, катта ишонч ва ғурур билан гапириши, дунёдаги турли воқеа-ҳодисаларга дахлдор бўлиб яшаётганига гувоҳ бўлганимда амалга ошираётган ислоҳотларимизнинг энг муҳим натижасини кўргандек бўламан.

Бугунги кунда мўл ҳосил етиштириб, дўкон ва бозорларимиз, эл-юртимиз дастурхонини тўлдириб, нарх-навонинг барқарорлигини, юртимиздаги тинчлик-хотиржамликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган деҳқон ва фермерлар ҳаётимизнинг таянч устунлари, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу ўринда қалбимдан чуқур жой олган бир фикрни такрорлаб айтишни зарур деб биламан: дунёда ўзбек деҳқонига тенг келадиган заҳматкаш ва миришкор инсонларни топишнинг ўзи қийин ва бу ҳақиқатни сиз, азизларнинг бу йилги беқиёс ютуқларингиз яна бир бор исботлаб турибди. Том маънодаги жасорат ва қаҳрамонлик намунаси бўлган олижаноб меҳнатингиз учун сиз, азизларга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдириб, чин қалбимдан таъзим қиламан.

Ҳурматли деҳқон ва фермерлар!

Бугунги қувончли айёмда эришган натижаларимизни баҳолар эканмиз, айни пайтда келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратиш, қишлоқ хўжалиги тармоқлари самарадорлигини янада ошириш ҳақида ўйлашимиз табиийдир.

Албатта, бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замоннинг ўзи аграр соҳа олдига ҳам янги-янги вазифалар қўяётганини, биз етиштирадиган маҳсулотлар жаҳон бозорида ҳар томонлама рақобатдош ва харидоргир бўлиши зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу мақсадда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ҳамда фермерлар кенгашларининг иш самарасини кучайтириш, янги авлод фермерларини тарбиялаш, ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим шароитига мос серҳосил, эртапишар, касалликларга чидамли пахта ва ғалла навларини яратиш, интенсив боғларни, маҳсулотни қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сув ва энергия ресурсларини тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш каби долзарб масалалар доимий эътиборимиз марказида туриши даркор.

Муҳтарам дўстларим, қадрдонларим!

Мана шу шукуҳли айёмда сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни бугунги юксак меҳнат ғалабаси билан яна бир бор табриклаб, барчангизга дилимдаги энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим!

Хонадонларимиздан файзу барака, элу юртимиздан тинчлик-осойишталик ҳеч қачон аримасин!

Азиз ва муқаддас Ватанимизни, заҳматкаш ва фидойи халқимизни Яратганнинг ўзи доимо паноҳида асрасин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЧИНАКАМ ЖАСОРАТ ВА ҚАҲРАМОНЛИК ИФОДАСИ

Тўкин куз охирлаб, қиш яқинлашаётган бир паллада қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштирган вилоятимиз фермерлари ва барча дала меҳнаткашлари давлат контракция шартномаларини ортиғи билан бажариб, эришган юксак муваффақиятларини фахр-ифтихор билан нишонлашмоқда.

Дарҳақиқат, деҳқончилик учун бироз ноқулай келган бу йилги об-ҳаво шароитида ҳам ризқу насибамиз бутунлиги, дастурхонимиз ва бозорларимиз тўкинлигини таъминлаган заҳматкаш ғаллакорлар, фидойи пахтакорлар, миришкор боғбон ва соҳибкорлар улкан хирмон кўтаришнинг уддасидан чиқишди. Айниқса, қишлоқ хўжалигининг асосий икки тармоғи – ғаллачилик ва пахтачиликда эришилган натижалар диққатга сазовор.

Маълумки, шу йил март ойи охирларида ҳавонинг кескин совиши, ёз ойларида эса ҳароратнинг кескин кўтарилиши, шунингдек, кучли гармсел кузатилиши каби мураккаб об-ҳаво шароитида ҳар бир туп ғўза тақдири учун курашган пахтакорларимиз 239 минг тоннадан ортиқ қимматбаҳо саноат хом ашёси етиштиришга муваффақ бўлдилар. Ҳосилнинг асосий қисми нестнобудгарчиликсиз, қисқа фурсатда, муҳими, юқори навларга қабул қилингани қувонарли ҳол, албатта.

(Давоми 2-бетда).

МАСЪУЛИЯТИЮ ШАРАФИ БЎЛАКЧА

Барчага маълум, фермерлик ҳаракати аграр соҳа ва у билан боғлиқ барча тармоқларни ривожлантиришда, қишлоқ инфратузилмасини тараққий эттириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир қудратли кучга айланиб бормоқда. Буни мен ҳар йили фермер хўжаликларимиз фаолиятини таҳлил қилаётганимда чуқур ҳис этаман. Дарвоқе, бу туйғуларимнинг нечоғли ўринли эканига яқинда ўтказилган ҳосил байрамида Юртбошимизнинг Ўзбекистон деҳқонлари ва фермерлари, барча меҳнаткашларига йўллаган табрикларидан сўнг яна бир бор амин бўлдим. Айниқса, шу шарафли табрикда аввало туманимиз, қолаверса, бизнинг фермер хўжаликларимиз номи ҳам тилга олинганидан беҳад қувондим.

Ахир қувонмай бўладими?! Бу оддий меҳнат кишисининг саъй-ҳаракатларига берилган юксак баҳо-ку! Ўн йил муқаддам 20 гектар ер олиб, бошлаган деҳқончилигимиз, бугунги кунга келиб, 94 гектарлик фермер хўжалигига айланди. Айни кезда барча фермерлар қаторида юқори ҳосил олиш билан бирга қишлоқда саноатни ривожлантириш, ёшларни иш билан таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз. Бунинг учун имкониятлар катта, техник базамиз етарли.

(Давоми 2-бетда).

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажариш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда мардлик ва жасорат кўрсатгани ҳамда ёш авлодни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари мукофотландилар. Улар орасида вилоятимизнинг қуйидаги вакиллари ҳам бор:

II даражали "Шон-шараф" ордени билан

Ибрагимов Валижон Каримович – Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи

"Содиқ хизматлари учун" медали билан

Бекмуратов Равшан Отақўзиевич – Бекобод тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

"Шуҳрат" медали билан

Темирбулатов Дамир Каримджанович – Қуйи Чирчиқ тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси тезкор вакили

Халқаро кўргазма

УЛКАН САЛОҲИЯТ СОҲИБИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Марказий Осиё саноат ҳафталиги – Central Asian Industrial Week – 2015" халқаро лойиҳаси доирасида кўргазма ташкил этилди.

Кўргазмада тоғ-кон ишлари, металлургия, машинасозлик, қўриқлаш ва хавфсизлик, полиграфия ва қадоқлаш, полимерлар саноати каби йўналишлар қамраб олинган бўлиб, ихтисослаштирилган тартибда ўтказилди.

Германия, Хитой, Италия, Британия, Қозоғистон, Россия, Шотландия каби дунёнинг 21 мамлакатидан 110 дан зиёд компания вакиллари қатнашган тадбирда мамлакатимиз

(Давоми 2-бетда).

Ифтихор

ЧИНАКАМ ЖАСОРАТ ВА ҚАҲРАМОНЛИК ИФОДАСИ

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, пахта йиғим-терими мавсумига пухта ҳозирлик кўрилгани, жумладан, мавсумда аввалги йилларда синовдан ўтган отряд усулининг қўлланиши, қолаверса, ишчиларнинг моддий манфаатдорлигига алоҳида эътибор қаратилгани яхши натижа берди. Етиштирилган мўл ҳосил пахтачилик тарихида кузатилмаган қисқа муддат, 35-40 иш кунида йиғиб олинди.

Вилоятимиз "оқ олтин" хирмонининг юксалишида жонбозлик кўрсатган Бўка, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ тумани пахтакорлари, шунингдек, Юқори Чирчиқ туманидаги "Тангриберди ота", Бўка туманидаги "Ёқуджон Саид", Оққўрғон туманидаги "Ол-

(Давоми. Боши 1-бетда).

лоберди Мурод" ҳамда Чиноз туманидаги "Қуюн ота" каби фермер хўжаликларининг муносиб улушини алоҳида эътироф этиш жоиз.

– Деҳқончиликда осон йилнинг ўзи йўқ дейишгани айни ҳақиқат, – дейди Юқори Чирчиқ туманидаги "Тангриберди ота" фермер хўжалиги раҳбари Камол Асанбоев. – Аммо, ҳамма гап ишнинг тўғри ташкил этилишида. Хўжалигимиздан қиёс. Тажриба ва мутасаддиларнинг кўрсатмалари асосида ғўзаларни агротехника қоидалари асосида сифатли парваришлаганимиз туфайли давлатга 129 ўрнига 167 тонна пахта топшириб, шартномани 129 фоиз бажардик. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, пахтанинг ўзидан камида 70 миллион сўм соф даромад олишимиз маълум бўлиб қолди.

Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароити айниқса, ғаллакорларимизни яна бир бор имтиҳон қилди. Азми шижоатли, бой тажриба эга деҳқонларимиз табиат инжиқликларига қарши энг илғор агротехникани ишга солиб, қабул пунктларига 569 минг 999 тонна дон топширишди. Бунда энг юқори ҳосилдорликка эришган Пискент, Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ ва Зангиота тумани ғаллакорлари, шунингдек, Бекобод туманидаги "Комилжон", Пискент туманидаги "Ҳожиев Довудбек" ҳамда Чиноз туманидаги "Гуломов Миркомил" каби хўжаликларнинг юқори ҳосилдорликка эришгани, айниқса, қўл келди.

Ҳар икки тармоқ билан боғлиқ таҳлиллар шундан далолат бераяптики, экин майдони кенгайтирилмаган ҳолда йил сайин ҳосилдорлик ошиб бормоқда. Ушбу муваффақиятлар замирида давлатимизнинг фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кўплаб имтиёз ва преференциялар бериш, фермер хўжаликларининг экин майдонларини оптималлаштириш, хўжаликларда қўшимча тармоқларни ишга тушириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сифатли уруғлик тайёрлаш ва албатта, хўжалик раҳбарларининг малакасини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижаси ётибди.

Қишлоқ хўжалигида қўлга киритилган муваффақиятларнинг энг муҳим ва айни пайтда ҳал қилувчи омилларидан яна бири шуки, бу экин майдонларининг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланаётганидир. Маълумотларга кўра, тегишли Давлат дастурлари асосида вилоятимизда 2009-2014 йиллар давомида ушбу йўналишга 13 миллиард 350 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиб, 72 минг 700 гектардан зиёд суғориладиган ернинг унумдорлиги оширилди. Натижада, барча қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги муттасил ортиб бормоқда.

– Юқори ҳосилдорлик – бу биз кутган натижа эмас, – дейди вилоят фермерлар кенгаши бош мутахассиси Марҳабо Усмонова. – Асосий мақсадимиз кўп тармоқли, мустаҳкам техник базасига эга, етиштирган маҳсулотини қайта ишлай оладиган ва экспорт қиладиган фермер хўжаликларини янада кўпайтиришдан иборат. Шу боис, айниқса, сўнгги йилларда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди.

Дарҳақиқат, фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни очиш ҳаракати кейинги йилларда кенг қулоч ёйгани самараси ўлароқ, шу йилнинг ўзида 88 та хўжаликда интенсив боғ, 101 тасида маҳаллий боғ, 162 тасида токчилик, 41 тасида кўчатчилик, 90 тасида чорвачилик, 115 тасида парранда-чилик, 36 тасида балиқчилик, 53 тасида асаларичилик ҳамда 323 тасида сервис хизматлари ташкил этилди. Яна 12 та хўжаликда гўштни, 15 тасида сутни, 15 тасида мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватлари иш бошлади. Натижада, 7 минг 500 дан зиёд янги иш ўринлари яратиш баробарида, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошди.

Фермерлик ҳаракатига қаратилаётган эътибор, давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятларнинг натижаси ўлароқ, бу йўналишда улкан муваффақиятларга гувоҳ бўлаяпмиз. Вилоятимиздаги жами 6 минг 200 дан зиёд фермер хўжаликларининг 60 фоизга яқини кўп тармоқли экани фикримизни тасдиқлайди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

МАСЪУЛИЯТИЮ ШАРАФИ БЎЛАКЧА

Зиммамиздаги масъулиятни ҳис этган ҳолда биз ҳам йил сайин такомиллашиб бораётган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, ғалла ва пахта ҳосилдорлигини ошириб бораяпмиз. Бу йил ғалладан 60 центнердан, пахтадан 45 центнердан ошириб ҳосил олдик. Тузилган шартномавий режани ортиғи билан бажариб, меҳнатимиз самарасидан қувониб ўтирибмиз. Шубҳасизки, эришган муваффақиятларимизнинг асосий омили Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлардир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

МУНОСАБАТ

Бугун фермерларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Қувонарлиси эса, ҳозирги фермерлар мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда, қишлоқларни обод қилувчи, унинг инфратузилмасини ривожлантирувчи замонамиз қаҳрамонига айланишмоқда. Мен зиммамдаги ҳам масъулиятли, ҳам шарафли вазифани дилдан ҳис қилиб, бор куч ва имкониятимни шу йўлга сафарбар этишга ҳаракат қилаяпман. Қолаверса, Б. Ботиров, О. Мирзахўжаев, Т. Йўлдошбоев, И. Қўчқоров, А. Ботиров, Д. Алимжонов сингари фидойи ишчиларимиз эртаю кеч далада. Уларнинг саъй-ҳаракатлари ютуқларимиз омили бўлаяпти.

Тобора тараққий этиб бораётган мамлакатимизда туб ўзгаришлар даври кечмоқда. Биз, мулкдорларга билдирилаётган ишонч тузилган шартномаларни бажариш билан кифояланиб қолмай, фаолиятимизни янада кенгайтиришга, қўшимча тармоқларга қўл уриб, янги-янги иш ўринларини очишга ундайди. Шундай экан, фермерликнинг юксак масъулиятини ҳис қилиб, доимо олға интилишимиз лозим.

Камол АСАНБОЕВ, Юқори Чирчиқ туманидаги "Тангриберди ота" фермер хўжалиги раҳбари.

Халқаро кўргазма

УЛКАН САЛОҲИЯТ СОҲИБИ

кон-металлургия саноати салоҳиятини намойиш этишга хизмат қилаётган "Тоғ-кон иши – Mining World Uzbekistan" халқаро кўргазмасига экспозициядан марказий ўрин берилган бўлиб, стендларда тоғ-кон саноати ва тоғ-кон қайта ишлаш мажмуаси учун технологиялар ҳамда хизматларнинг тўлиқ тўпламини намойиш этилди. Шунингдек, фойдали қазилма бойликларини излаш, қазиб олиш, бойитиш соҳасида тажриба алмашинди. "Atlas pressors and mining technique" Швеция – Ўзбекистон қўшма корхонасининг тоғ-кончилик асбоб-ускуналари, Италиянинг "Saer Elettropompe Spa" компанияси ишлаб чиқарадиган насослар, Австралиянинг "Scantech" компаниясига тегишли саноат текширув асбоблари каби тоғ-кон қайта ишлаш мажмуаси учун мўлжалланган кенг турдаги хизмат ва технологиялар ҳам кўргазмадан жой олди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Ўзбекистон кимё саноати улкан салоҳиятга эга, – деди Ҳиндистоннинг "Lohia Corp Limited" компанияси вакили Винай Кумар. – Шунинг учун биз юртингиз билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш тарафдоримиз. Бу ҳар икки мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга замин яратади.

Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

Бандлик

Чирчиқ шаҳри бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг маълумотларига кўра, 2015 йилнинг тўққиз ойида янги корхоналарни ишга тушириш, мавжудларини модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 3572 та янги иш ўрни яратилди. Эътиборлиси, доимий иш билан таъминланганларнинг мингга яқини аёллар.

МАРКАЗ ЭЪТИБОРИДА

– Дастурий режага кўра, йил давомида 5018 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган, – дейди марказ директори ўринбосари А. Йўлдошев. – Унинг асосий қисми кичик корхона ва микрофирмалар очиш, оилавий ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан ташкил этилади. Шаҳримизда сўнгги йилларда уй меҳнати, хусусан, касаначилик оммалашиб бораётир. Чунончи, шу йилнинг ўзида тузилган шартномаларга мувофиқ 250 га яқин фуқаро, жумладан 182 хотин-қиз касаначилик билан муқим шуғулана бошлади.

Корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринларини аниқлаш, уларга фуқароларни жойлаштиришда вақти-вақти билан ташкил этилаётган меҳнат ярмаркалари муҳим ўрин тутмоқда. Ўтган тўққиз ойда шаҳар ҳокимлиги, прокуратура ҳамда бандликка кўмаклашиш марказлари ҳамкорлигида тўрт марта меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб, 34 корхона, ташкилот ва муассаса бўш иш ўринлари билан қатнашди. 140 кишига ишга кириш учун йўлланма берилди. Шунингдек, шаҳардаги касб-ҳунар коллежларини бу йил тамомлаган 1550 битирувчи ҳам марказ кўмагида доимий иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, ҳокимлик қарори билан квоталанган иш ўринларига меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар жойлаштирилмоқда. 2015 йилнинг ўтган даврида шу тоифага кирувчи 857 киши захираланган иш ўринларига қабул қилинди.

Шаҳарда фуқароларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича ўқитиш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ўндан зиёд фуқаро тизимдаги ўқув марказларида бугун талаб катта бўлган йўналишлар бўйича бепул ўқитилиб, иш билан таъминланди. Ҳозир янги касбларни эгаллаш истагини билдирган яна бир гуруҳ ёшлар шу тартиб бўйича ҳунар ўрганмоқда.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан марказ белгиланган дастурга мувофиқ ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бугунги кунда рўйхатга олинган 105 қарияга жадвал асосида ижтимоий хизматлар кўрсатилмоқда. Шунингдек, 42 уруш фахрийси ва 92 пенсионер санаторийларга бепул йўлланмалар билан таъминланиб, саломатлигини тиклади. 17 ногиронга аравача, қўлтиқтаёқ, эшитиш мосламалари ажратилди.

Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.

Давра суҳбати

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА МАТБУОТ

Тахририятда "Жамоатчилик назоратини амалга оширишда ОАВнинг ўрни" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси вакиллари ҳамда "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" ижтимоий-сиёсий газеталари ходимлари иштирок этишди.

Сўз олганлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти ва мақсадини аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли катта эканлиги ҳақида тўхталдилар.

Давра суҳбатида "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва "Тошкент вилояти босма ОАВда эълон қилинган танқидий-таҳлилий мақолаларнинг якуний натижалари" мавзуида маърузалар тингланди.

– Йил бошидан буён газетамизда жамоатчилик назоратини ўрнатиш мавзуида 44 та танқидий мақола эълон қилинди, – дейди мухбир Нозима Арслонова. – Эътиборлиси, муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли давлат ҳокимияти органларига сўров юборилган бўлиб, уларга қонунда кўрсатилган муддатда жавоблар келди.

– Таҳлиллар шуни кўрсатдики, танқидий-таҳлилий материалларни изчил бериб боришда вилоят ОАВ республикада етакчилик қилмоқда, – дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари ўринбосари Баҳриддин Холбўтаев. – Бу вилоятда фаолият юритаётган ОАВ вакилларининг соҳага доир қонунларни яхши билиши ва шу асосда иш кўриши ҳамда ўз вазифасига масъулият билан ёндашишидан дарак беради.

Ирода МАҚСУДОВА. Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида амалга оширилаяпти. Мақсад ҳокимият ваколатларининг бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти институтларига босқичма-босқич ўтказишдан иборатдир. Шубҳасиз, хусусий мулкни ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани тараққий эттириш, турмуш фаровонлигини ошириш каби масалаларни маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этиш имконини беради.

ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ

Бу жараённинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида Президентимиз эълон қилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган эди. Хусусан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилиб, маҳаллани аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришга оид вазифаларини янада кенгайтириш таъкидланган эди.

Янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга киритилган янги қоидалар, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириши, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар, ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларни аниқлаши, ҳудуддаги фуқароларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш билан боғлиқ нормалар амалда қўлланмоқда.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурининг бир нечта бандида маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, аҳолининг ўзини ўзи бошқариш тизимини, ижтимоий ҳимоялашни янада такомиллаштириш, фуқаролар фаровон турмуш кечириши учун яратиб берилаётган шарт-шароитларни тубдан яхшилашга оид чора-тадбирларни айнан фуқаролар йиғинлари амалга ошириши назарда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августдаги "Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, шу йил 1 сентябрдан ёлғиз қарияларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва аввалги 9 хил ўрнига 15 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатиш йўлга қўйилди. Бу вазифани бевосита маҳалла йиғинлари амалга оширмоқда.

Фуқаролар йиғинлари меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими билан ҳамкорликда вилоятдаги 526 ёлғиз қарияларга ҳар ойда энг зарур бўлган 15 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини бюджет ҳисобидан етказиб беришни йўлга қўйган. Ушбу масала ҳар бир маҳалла томонидан назоратга олинган.

Дастурнинг 2-бўлим 14-бандида 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, шунингдек, ёлғиз ва ижтимоий мададга муҳтож кексаларнинг 2015-2017 йилларда уй-жой шароитларини яхшилашга оид ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, унда 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари, ёлғиз ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кексаларнинг квартиралари ва уйларини ҳашар йўли билан жорий таъмирлаш, зарур ҳолларда эса мукаммал таъмирлаш, ҳовлиларини ободонлаштириш назарда тутилган. Бугунги кунда вилоятдаги 971 уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, ёлғиз ва ижтимоий мададга муҳтож кексалар рўйхати тузилди. Дастурдан келиб чиққан ҳолда вилоятдаги 425 уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг уйлари жорий таъмирланиб, ҳовлилари ободонлаштирилди. Бунинг учун вилоятда 9 ой мобайнида 427,67 млн. сўм маблағ ажратилди.

Кекса авлод ва ногиронларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш дастури доирасида ногиронлар 54 та аравача, 22 та эшитиш мосламалари ва 11 та қўлтиқтаёқ билан таъминланди. Шунингдек, маҳаллаларда, мактаб, касб-яҳунар коллежи, академик лицей ва олий таълим муассасаларида кекса фуқароларни қутлашга бағишланган "Қариси бор уйнинг париси бор", "Қўша қариб, қадр топганлар", "Уч авлод учрашуви", "Кексалар дуосини олайлик" мавзуларида тантанали тадбирлар ўтказилди. Кинотеатр, концерт заллари ва музейларга бепул сафар ташкил этилди.

Вилоятда истиқомат қилувчи 200 дан зиёд ёлғиз қариялар, 336 уруш ва меҳнат фахрийлари ва ногиронларнинг ҳар бирига "Камолот" ЁИҲ фаолларидан иборат патронаж ёшлар гуруҳи бириктирилди. Ҳар бир гуруҳда 10 нафардан (жами 10 мингдан ортиқ) ёшлар бўлиб, улар кексалар ҳолидан хабар олиш билан бирга 298 нафарининг уй-жойлари ва томорқаларини тартибга келтиришди.

Ҳар йили қабул қилинаётган Давлат дастурларида белгиланаётган устувор вазифалар мазмун-моҳиятига кўра, инсонпаварлик тамойилларига асосланган. Бу устувор вазифалар ижросини таъминлашда маҳаллаларнинг ҳиссаси катта. Қолаверса, фуқаролар йиғинлари фаолиятини тубдан яхшилаш, моддий-техник базасини такомиллаштириш, маҳаллани аниқ манзилли ижтимоий ҳимоялаш ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес марказига айлантириш, ҳудудларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, фарзандларимизнинг баркамол ва соғлом авлод бўлиб камол топишига хизмат қилади.

Мастура ШОКИРОВА, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси бош мутахассиси.

Жараён

Одатда эндигина илдиз отаётган кўчат ўтқазилганда, эҳтиётлаб, бевақт эсган шамол эгиб қўймасин ёки ақли ноқис кимсалар юлиб кетмасин, деб атрофи ўраб қўйилади. Зеро, ҳар қандай ниҳолни парваришлаб, илдизлари мустаҳкам, баравж, дуркун дарахтга айлантириш йўлидаги меҳнатларимиз зое кетмаслиги керак...

ТАРБИЯ МАСЪУЛИЯТИ

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси прокуратура, халқ таълими, ички ишлар бошқармаси, соғлиқни сақлаш, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Камолот" ЁИҲ ҳамкорлигида "Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш" мавзуида ўтказган семинар-тренинг айнан ёшлар, ўсмирлар таълим-тарбияси хусусида бўлди.

Вилоят прокурори катта ёрдамчиси Лола Замитова бошқарган тадбирда иштирок этган мутасадди ташкилотлар ходимлари, ўқитувчи ва ўқувчилар "Ўсмирликнинг инқироз даври", "Таълим муассасаларида назоратга муҳтож болалар билан ишлашнинг педагогик, психологик асослари", "Девиант хулқ-атворга мойил бўлган шахсларни аниқлаш", "Руҳий зўриқиш ҳолатида бўлган ўқувчилар билан ишлашнинг психологик асослари", "Кучли ҳаяжон, зўриқиш, ёлғизлик каби ҳолатларнинг олдини олиш" каби мавзулардаги маърузаларни қизиқиш билан тинглашди.

– Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабаби катталарда, аввало ота-она, оила муҳити, қолаверса маҳалла, мактаб ва коллежларда назоратнинг сустлиги, самимий маслаҳатнинг етишмаслигидир, – деди вилоят ҳокимлиги оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибият мудири Насиба Қулбекова. – Бугунги тадбирда барча жамоат ташкилотлари ходимлари иштирок этаётгани ҳам бежиз эмас.

– Вояга етмаганлар тарбияси кенг жамоатчилик зиммасидаги жуда катта масъулият. Уни ҳар ким ўз вазифаси, бурчи доирасида идрок этиши зарур, – деди вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи М. Исмоилов. – Агар шундай бўлса, ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан барҳам топиши шубҳасиз. Айниқса, ота-она, ўқитувчи, мураббийларга бу борада куч-қувват, сабр-бардош тилаган бўлар эдим...

Шу куннинг долзарб мавзуи – вояга етмаганлар тарбиясига бағишланган семинар якунида йиғилганларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҲАМ ҲИСОБОТ, ҲАМ САЙЛОВ

Вилоят Маънавият ва маърифат марказида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилотининг 2013-2015 йиллар ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Вилоят ташкилоти раиси Насиба Қорабоеванинг "Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент вилояти ташкилотининг 2013-2015 йиллардаги фаолияти ва кейинги ҳисобот давридаги устувор вазифалари тўғрисида" ги ҳисоботи тингланди. Маърузада ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишлар баён этилиб, туман бўлимлари фаолияти таҳлил қилинди, кадрлар масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Фаолияти инсонпарварлик, бегараз ёрдам, бетарафлик, мустақиллик, ихтиёрийлик, бирлик, универсаллик каби тамойилларга асосланган Қизил Ярим ой жамиятининг бугунги кунда вилоятимизда 41 минг 730 аъзоси бўлиб, 17 та шаҳар ва туманда бўлимлари ташкил этилган.

Конференция давомида мандат, саноқ, таҳрир, тафтиш комиссияларига, раёсат аъзолигига ҳамда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти XXI Қурултойига 89 делегат сайланди.

Ҳисобот-сайлов конференцияси танқидий-таҳлилий руҳда ўтиб, галдаги вазифалар белгиланди, камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Нозима РАСУЛОВА.

МИЛЛАТ РУҲИ

Республика Маънавият тарғибот маркази Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинган кун муносабати билан ўтказган маънавий-маърифий тадбирда адабиётшунос ва тилшунос олимлар, таниқли шоир, ёзувчи ва санъаткорлар иштирок этишди.

Халқимизнинг энг азиз қадрияти, миллат руҳи бўлмиш ўзбек тили, унинг тараққиёт жараёни, бу йўлдаги айрим маънавий кемтиклар, уларни бартараф этиш ҳақида сўз борди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

ЁТ ҒОЯЛАРГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Ёшлар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқарашни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши "Истиқбол" ёшлар қаноти ташаббуси билан Зангиота туманидаги маиший хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежида "Ёшларни мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, улар қалбида соғлом дунёқарашни шакллантириш масалалари" мавзуида давра суҳбати ташкил этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, мураббийлар, ёшлар, маҳалла ва партия фаоллари иштирокидаги тадбирда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди.

– Мафкуравий хуружларнинг ёлғон ахборот тарқатиш, миллий-маънавий қадриятларни емириш, кибертерроризм каби турлари кенг тарқалмоқда, – дейди Ислом университети ректори Уйғун Ғафуров. – Биз ёшларни бундай ёт ғоялардан ҳимоя қилишимиз лозим.

Тадбир давомида "Тутқунликка тушманг" ҳамда "Адашган қиз қисмати" номли фильмлар намойиш этилди.

Наргис ҲАСАНОВА.

ТИЛ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши партиянинг Бекобод шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан "Тил, тараққиёт ва маънавият" мавзуида тадбир ташкил этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар тил – энг олий миллий қадрият, ёшларнинг ўз она тилига ҳурмат, муҳаббат руҳида камолга етишлари учун барчанинг масъул эканлиги ҳақида гапирдилар. Шу билан бирга, бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларимиз кўчаларига, диққатга сазовор жойларга қўйилган реклама ва эълонлардаги имловий хатолар, айрим ҳолларда ғализ, мазмунан саёз матнлар учраётгани, шу сабабли ёзма нутқ ва саводхонлик масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Тадбир давомида анъанага кўра партия сафига янги аъзолар қабул қилинди. Дастурий мақсадларни тарғиб қилишда фаоллик кўрсатган ҳамкорларга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Байрам тадбири бекободлик ёш ижодкорларнинг "Илҳом" клуби аъзолари мушоираси ва бадиий ҳаваскорларнинг концерт дастури билан якунланди.

Нозима РАҲИМОВА.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ ёш авлод саломатлигига эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки, ҳар томонлама соғлом, баркамол ёшлар эл-юрт, миллат келажагини таъминловчи катта кучдир.

СОҒЛОМ БОЛА – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, жондан азиз фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш билан бирга, уларни ҳар томонлама баркамол, замон билан ҳамнафас, XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва салоҳиятга эга инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини таъминлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Президентимизнинг "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида жойларда турли тадбирлар, тиббий кўриклар ташкил этилмоқда. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Сен ёлғиз эмассан" республика болалар жамғармаси ҳамда саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали, вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ҳамкорлигида уюштирилган тадбир шулар жумласидандир.

Тадбир доирасида Чирчиқ шаҳри ҳамда Бўка туманидаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган 240 дан зиёд ўғил-қиз тиббий кўрикдан ўтказилиши кўзда тутилган. Куни кеча мутахассислар Чирчиқдаги 14-Меҳрибонлик уйида бўлдилар. Тарбияланувчилар педиатр, невропатолог, офтальмолог, жаррох, ортопед, стоматолог, эндокринолог, кардиолог кўригидан ва 12-18 ёшли қизлар ультратовуш текширувидан ўтказилди.

– Тиббий кўрикнинг афзаллик жиҳати шундаки, ёшлар ўз соғлиқлари қай даражада эканини билиб олдилар, – дейди вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази бош шифокори Лола Сайдалиева. – Шу билан бирга уларда касаллик борлиги барвақт аниқланса, унинг олдини олиш имкони бўлади. Бу ҳар томонлама қулай ва самарали йўлдир.

Тиббий кўрик 28 октябрга қадар давом этади.

Фарида КОМИЛОВА,
Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят бўлими мутахассиси.

Олов – тилсиз ёв

ХАЗОНГА ЎТ ҚЎЙМАНГ

Кузда дарахт барглари тўкилиб, жойларда хазонлар тўпланиб қолмоқда. Вақтида ташиб кетилмаган хазонлар ёнғин чиқиши учун тайёр манбага айланмоқда.

Болаларнинг гугурт ўйнаши ёки катталарнинг ўчирилмаган сигарета қолдиғини ташлашлари натижасида кўплаб ёнғинлар содир бўлмоқда. Бунинг оқибатида барглларда йил бўйи тўпланган турли заҳарли газлар ҳавога қайта чиқиб, аҳоли ўртасида касалликлар тарқалишига сабаб бўлаяпти. Аҳоли уйлари ёнидаги хазонлар ёниб, фуқароларнинг ҳужрахона ва гаражларига ҳам ўтиб, моддий зарар келтирмоқда.

Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари корхона, ташкилот раҳбарлари, фуқаролар йиғини раислари ва фаоллари билан учрашувлар ўтказиб, ёнғиннинг олдини олиш ҳақида тушунтиришлар бериляпти. Атроф-муҳит тозалигини ва ўз саломатлигимизни сақлаш мақсадида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиб, уйларимиз атрофларини барглардан вақтида тозалашимиз, уларни ёқиб юбормай, белгиланган жойларга ташлашимиз лозим.

Маъмур ФИРМАТОВ,
Тошкент шаҳар метрополитени кўриклаш бўйича ИИБ ЁХБ инспектори.

ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча чет эл инвесторлари эътиборига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги "Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2340-сонли Қарорига асосан хорижий инвесторларга сотилиш белгиланган қуйидаги акциядорлик жамиятининг давлат акция пакети бўйича Биржа савдоларига таклиф этади.

№	Жамиятнинг номи	Юридик манзили	Фаолият ихтисослиги	Давлат акция пакети фоизи *	Акциялар сони (дона)	Акциялар пакети бошланғич нархи АҚШ долларида	Бир дона акциянинг бошланғич нархи АҚШ долларида	Савдо ташкилотчиси	Дастлабки савдо санаси
1	"OHANGARONSHIFER" АЖ	Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Саноат ҳудуди	Ишлаб чиқариш	53,98 %	132 918	26 500 890,0	199,4	"Тошкент" Республика Фонд Биржаси	25.11.2015й

* - 4,71 фоиз (11 592 дона) имтиёзли акция
- 49,27 фоиз (121 326 дона) оддий акция

Давлат активларни алмаштириладиган валютага сотиб олиш учун харидорлар - Ўзбекистон Республикаси норезидентлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича давлат активи нархининг камида ўн беш фоизи миқдорида эркин алмаштириладиган валюта маблағлар ўтказилади.

Пул маблағлари давлат активи ва воситачисининг номини кўрсатган ёки кўрсатмаган ҳолда депозитга қўйилиши мумкин.

Пул маблағлари харидорнинг воситачисини кўрсатмасдан депозитга қўйилган тақдирда ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотига топшириқ-шартномасининг нусхаси тақдим этилади.

Депозитга қўйилган маблағлар ҳисоб-китоб-клиринг ташкилоти ёки сотувчи томонидан харидорнинг ёки унинг ишончли вакилининг ёзма аризасига биноан у олинган кундан бошлаб беш банк куни мобайнида депозитга қўйилган валюта қайтарилади.

Савдо ғолибига депозитга қўйилган маблағлар сотиб олинган давлат активи учун тўлов ҳисобига ўтказилади.

Талабгор давлат акцияларининг сотувчиси ва эмитентдан давлат акцияларини сотиб олиш юзасидан ўзи қарор қабул қилиши учун зарур бўлган қўшимча ахборотни сўраш ва олишга ҳақлидир, ўзининг хусусиятига кўра хизмат ёки тижорат сири ҳисобланган ахборот бундан мустасно.

Мурожаат учун манзил:

1. "Mulk sarmoya brokerlik uyi" Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 232-10-45, 232-10-46.

2. "Тошкент" Республика Фонд Биржаси, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 236-07-40, 233-32-31.

3. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 268-23-21, 268-27-29, факс: 268-29-77, e-mail: tashreg@gki.uz

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 267-74-64 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2015 йил 10 ноябрь куни соат 10.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган такрорий "Очиқ аукцион" савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар нархи арзонлаштирилиган ҳолда қўйилмоқда: 1. Бўстонлиқ тумани, Газалкент-2 "Мариам текстил сервис" МЧЖ жарима майдончаси сақланаётган: ЖИБ Паркент тумани судининг 10.11.2014 йилдаги 1-129-2014-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 5 292 036 сўм бўлган, 1988 йилда и/ч, д/р 10H921KA, "ВАЗ-21063" р-ли ав-на; 2006 йилда и/ч, д/р 01M028HA, "ГАЗ-322132" р-ли микроавтобус, бошланғич баҳоси – 27 157 656 сўм;

2. "Газалкент-Стоун" МЧЖда сақланаётган: Тошкент вилоят хўжалик судининг 05.09.2014 йилдаги 11-1432/5199-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 37 085 932 сўм бўлган, 1982 йилда и/ч, д/р мавжуд бўлмаган, "КРАЗ-255Б1-КС-4574А" р-ли, 20 тоннали юк ав-на; бошланғич баҳоси 22 236 940 сўм бўлган, 1995 йилда и/ч, д/р 10/301NAA бўлган "КАМАЗ-541000" р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 7 036 915 сўм бўлган 1984 йилда и/ч, д/р 10/1468AA бўлган "ОДАЗ-9370" р-ли тиркама. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 10:00 да тўхтатилади. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "InfinBANK"даги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (95) 177-96-74, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148.

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларига: I. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан:

1. 2014 йил 3 сентябрдаги 15301-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 37-уй манзилида жойлашган: умумий фойдаланиш майдони 34,95 кв.м. бўлган "10-сонли хонадон" қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 14 293 056 сўм. 2. 2013 йил 15 февралдаги 598-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Улуғбек кўчаси, 88-уй манзилида жойлашган: умумий фойдаланиш майдони 99,5 кв.м., яшаш майдони 56,1 кв.м. бўлган "2-сонли хонадон" қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 37 908 352 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 25 ноябрь куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади. II. Тошкент вилояти Янгийўл туман СИБ томонидан аукцион савдоларига 2015 йил 24 августдаги 1-4885/15-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Эски Қовунчи МФЙ, А.Темур трактида жойлашган: умумий майдони 426,0 кв.м. бўлган "Ошхона биноси" қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 151 000 000 сўм. 2. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Эски Қовунчи МФЙ, Самарқанд кўчасида жойлашган: умумий фойдаланиш майдони 244,08 кв.м., қурилиш майдони 204,33 кв.м. бўлган "Дўкон биноси" қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 150 000 000 сўм. 3. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Эски Қовунчи МФЙ, Самарқанд кўчасида жойлашган: умумий майдони 802,0 кв.м. бўлган "Автотеххизмат кўрсатиш шахобчаси" қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 127 000 000 сўм. III. Тошкент вилояти Зангиота туман СИБ томонидан аукцион савдоларига: 2015 йил 18 июндаги 10-1503/5367-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, К.Ғофуров кўчаси манзилида жойлашган: умумий фойдаланиш майдони 808,15 кв.м. бўлган "Гузар биноси" қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 1 000 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 26 ноябрь куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Лицензия: RR-0148.

"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 15.07.2011 йилдаги 10-1119/7878-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган: бошланғич нархи – 312 500 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Собир Раҳимов кўчасида жойлашган, умумий майдони 484,0 кв.м. бўлган "1 ва 2 қаватли бино (автомобиллар ювиш шахобчаси)" қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2015 йилнинг 26 ноябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани СИБ томонидан 1) Тошкент шаҳар хўжалик судининг 10.06.2013 йилдаги №10-1214/23541-сон ва Тошкент шаҳар хўжалик судининг бошқа ижро варақаларига асосан, бошланғич нархи – 3 863 817 200 сўм бўлган, "LIFTMONTAJSOZLASH" МЧЖга қарашли бўлган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Жанубий-Ғарбий саноат ҳудуди, Проектная Г-44 кўчаси, 8-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 14485 кв.м., бино ва иншоотларнинг умумий майдони 2325,0 кв.м.дан иборат бўлган "Ишлаб чиқариш ҳудуди" бино ва иншоотлари мулкий мажмуа ҳолда; 2) Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорлари асосида, бошланғич нархи – 1 360 778 850 сўм бўлган, "LIFTMONTAJSOZLASH" МЧЖга қарашли бўлган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 6-кварталда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 1,385 га, ҳужжатли қурилма 498,0 кв.м., ҳужжатсиз қурилмалар 887,0 кв.м.ни ташкил қилади, яъни Блок-А омборхона-цех биноси, Блок-Б қўшимча қурилма (ҳужжатсиз), Блок-В навес, Блок-В1 навес, Блок-В2 навес, Блок-Г кайта қурилган бино (ҳужжатсиз), Блок-Д ҳожатхона ҳамда 8 дона вагон домик, 1 дона козловой кран, 1 дона двухбалочный кранлардан иборат бўлган "Бошқарма ҳудуди" мулкий мажмуаси қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 10 ноябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдолардa қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2015 йил 13 ноябрь куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Тошкент вилоят Хўжалик судининг 06.03.2015 йилдаги 11-1432/12875-сонли ижро варақасига асосан Зангиота туман СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси 200 000 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Кўксарой ҚФЙ, Шифобахш сувлар кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 0,08 га, қурилиш ости майдони 626,0 кв.метрдан иборат "2 қаватли гузар" бино-иншоотлари; 2. Тошкент вилоят хўжалик судининг 04.08.2014 йилдаги 11-1432/5199-сонли ижро варақасига асосан Бўстонлиқ туман СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси 28 127 068 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Газалкент шаҳри, Мармар кўчаси, 11-уй, 3-хонадон, 5 қаватли уйнинг 1-қаватида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 53,60 кв.метр, умумий яшаш майдони 27,60 кв.метрдан иборат 2 хонали тураржой; 3. ЖИБ Тошкент вилояти Қибрай туман судининг 19.03.2012 йилдаги 1-49/12-сонли ижро варақасига Бўстонлиқ туман СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси 50 913 900 сўм бўлган, Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани, Нанай ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 326,0 кв.метр, фойдали майдони 61,75 кв.метр, 3 та яшаш хонадан иборат дала ҳовли. Савдога чиқарилган мулклар билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinBANK"даги 20208000800250595001, МФО 01041, ИНН 302681189 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz.

Лицензия рақами RR 0173.

Оила – муқаддас

Табиийки, янги оила қурган ёшларнинг ўзаро тил топишиб, тинч-тотув яшаб кетишлари – мураккаб жараён. Бу жараённинг хайрли якун топиши нафақат уларнинг ўзи учун, балки улар вояга етган оилалар, яшаб турган маҳаллалари учун ҳам, қолаверса, бутун жамият учун хайрлидир.

Сир эмас, бугунги кунда не-не орзу-умидлар билан бунёдга келган айрим оилалар турли сабаблар билан бузилиб кетаяпти. Бундай нохушликларга олиб келган сабаблар эса турлича. Жиддий мулоҳаза қилиб кўрилса, асосий иллат ёшлар бахти ва ўртада етим қолган гўдаклар тақдири олдида арзимас майда-чуйдалар бўлиб чиқади.

ФАРЗАНДЛАР БАХТИНИ ЎЙЛАЙЛИК

Биз яқинда Ангрен шаҳридаги аҳримлар сабабини таҳлил қилиб чиқдик. Бир йил давомида судлашган эр-хотинлар шикояту даъволарини қайд қилиб бориб, сўнгра уларни ўз мазмунмоҳиятига қараб гуруҳлаштирдик. Натижа шундай бўлдики, бугунги кунда асосан олтита сабабга кўра оилалар барбод бўлаяпти.

Бу сабабларнинг биринчиси ва энг муҳими – ёшларнинг мустақил оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги. Йигит оила бошлиғи сифатида ўзига тааллуқли бурч, масъулият, кўникма, билимга эга эмас. Қиз келинлик бурчи, эри, қайнота-қайнона, оиланинг бошқа аъзолари олдидаги ҳақи ва вазифаларини тўла англаб етмаган. Натижада ёш эр-хотинларнинг бесабрлиги, шошмашошарлиги оқибатида тушунмовчиликлар келиб чиқади ва бу қудалар орасидаги совуқчиликка олиб келади.

Иккинчи сабаб – эрнинг (баъзан аёлларда ҳам кузатилаяпти) ичкиликка, гиёҳвандликка ружу қўйиши. Ажралишларга сабаб бўлаётган учинчи омил рўзғорбоши саналган эр вақтида аниқ бир касб-ҳунарнинг бошини тутмай, муваққат, енгил-елпи йўллар билан пул топиб юришидир. Оила эса қатъий ва изчил тирикчилик манбаини талаб этади.

Тўртинчи сабаб – ёш эр-хотинлар муносабатига учинчи бир шахснинг ноўрин аралашуви. Масалан, қайнона келинини биринчи кунданоқ ўзига бўйсундириб олиш пайида бўлади. Келиннинг онаси эса қизининг қулоғини пишитиб, тилингни берма, ҳукмингни ўтказ, эрингни қаттиқ ушла... каби "ўгитлар" беради. Оқибати эса ҳаётда, телесериалларда кўриб юрганимиз – адоқсиз драмалар юзага келади. Бешинчи сабаб – бефарзандлик. Тўғри, бу ҳолат кўп учрамайди. Аксарият оилаларда сабр-тоқат билан фарзанд кутилади. Оҳангарон туманидаги бир оилада йигирма йил деганда фарзанд дунёга келди. Хушу хурсандчилик билан элга ош тортилди. Эр-хотиннинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати, сабр-чидами ҳамма нарсадан устун келди ва охир-оқибат шундай бахтли кунларга етказди. Лекин, шундай оила катталари ҳам борки, икки йилча ўтмай, келинини туғмасга чиқариб, ўғилларини бошқага уйлантириш ҳаракатига тушиб қолишади.

Оила бузилишига олтинчи сабабга келсак, бу – молдунё васвасаси. Аждодларимиз, ўтмиш ота-боболаримиз, улуғларимиз бундай қилишмаган. Тўй бир кунда ўтиб кетади. Қилинган сарпою сеплар ҳам абадий эмас. Ҳазрат Али (р.а) айтишларича, у киши Фотима онамизга уйланганларида қайноталари – Пайғамбаримиз (а.с) қизлари учун чийдухобадан битта кўрпа, ичига сомон тиқилган битта ёстиқ ҳамда сув сақланадиган биттагина мешни сеп қилиб берган эканлар. Айтишингиз мумкин, у йўқчилик даврларда бўлган, деб. Ундай эмас. Расули акрам (с.а.в) қизларини узатганларида ёнларида турган Абдурраҳмон ибн Афв (р.а)дек саҳобалари бир кунда мингта туяни сўйиб, қурбонлик қилишга қодир давлатманд бўлган. Ҳазрати Усмон (р.а) эса минг таноблаб хурмозор боғлар, беҳисоб қудуқлар эгаси эди. Ҳазрат Пайғамбаримиз озгина ройиш қилганларида улар сеп суруқларни ғарамлаб ташлашмасмиди!? Расули акрам (с.а.в) ундай қилмадилар. Молмулк, ноз-неъматларга бурканиб яшаётган ва фарзандларимиз бахтини ҳам фақат мана шундай тўкинликда кўришга одатланган биз инсонлар учун бу гўзал ибрат намунаси эмасми!..

Ҳа, азизлар, мол-дунё ўткинчи, ёшларимизнинг тахтини эмас, бахтини ўйлайлик.

Яна бир оз бўлса-да, учраб турадиган ҳолат шуки, турмуш қураётган ёшларимизни тиббий кўрикдан ўтказишдек муҳим шартни билиб-билмай, четлаб ўтишга интиламиз. Масалан, мен ўзим гувоҳ бўлган бир ҳолатни айтсам, тўйдан кейин уч ой ўтар-ўтмас янги бир оила бузилди. Келиннинг тутқаноқ касали бўлиб, тўйдан кейин у зўрайиб кетибди. Суриштирсак, ота-оналар фарзандларини тиббий кўрикдан (йўлини қилиб) ўтказишмаган экан.

Маълумки, Исломда оила масаласи ибодат даражасига кўтарилган. Бу ҳақда Қуръон оятларида ҳам Ҳадиси шарифда ҳам аниқ-тиниқ айтиб қўйилган. Пайғамбаримиз никоҳ менинг суннатимдир, унга амал қилмаганлар биздан эмасдир деганлар. Ибн Обидин ёзадиларки, инсонда бу дунёда ҳам, охиратда ҳам икки нарса ҳамроҳлик қилади. Бу унинг мустаҳкам имони ва ҳалол, покиза оиласи. Оила меҳр-муҳаббат, ўзаро ишонч асосига қурилса, эр-хотин ҳалол-покиза яшаб, оқил фарзандларни вояга етказса, бундай оила ҳаёти жаннатда ҳам бардавом бўлади.

Энди фарзандларимизни оилали қилишдан олдин ўйлаб кўришимиз лозим бўлган яна бир жиддий масала хусусида тўхталсак. Никоҳнинг ҳам шарт ва мажбуриятлари бор. Оилали бўладиган ёшлар ақли расо, қўлида касби бор, бировга зулм қилиш хавфи йўқ, балоғат ёшига етган бўлиши лозим. Бировга зулм қилиш хавфи деганда, шу назарда тутиладики, бўлажак келин ёки куёв хулқ-атвори бузуқликлардан, ичиш, чекиш, бангилик, боқимандалик, танбаллик, безорилик, енгил оёқлик каби иллатлардан ҳоли бўлиши лозим. Баъзи ота-оналар фарзандларидаги қусурларни яширишади, уйланса йўлга тушиб кетади дейишади. Бу тўғри эмас. Масалан, биз ўзимиз йўлга сололмаган араҳўр ўғлимизни мўрт ва тажрибасизгина келинимиз йўлга сола олармиди?! Бундай ишимиз билан бировнинг бегуноҳ, норасида бир қизига зулм қилиб қўймаймизми?!

Маълумки, ажралишларнинг энг оғир юки биринчи навбатда ўртада қолган етимлар зиммасига тушади. Вилоятимиздаги Меҳрибонлик уйларида бўларканмиз, ҳар қандай тўкис шароитда яшаётган бўлишмасин, гўдаклар қиёфасида маҳзунлик муҳрланганини кўрамиз. Бу ерда тарбияланаётган болаларнинг 70 фоизидан кўпининг ота-оналари ҳаёт. Улар ойда-йилда бир хабар олишса олишади, бўлмаса йўқ. Бола бу ерда қорни тўқ, усти бут бўлиши мумкин, лекин тўкис оилада олинадиган меҳрни бошқа ҳеч ким беролмайди-да. Меҳр кўрмаган бола бировга меҳр бера олармиди. Меҳрсиз инсонлар кўпайиши эса жамият барқарорлиги учун қанчалик хатарли ва аянчли эканини бугун Ғарб дунёси мисолида кўриб турибмиз-ку!

Шундай экан, ўғил-қизларимизни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбияласак, уларнинг қалбига Қуръони Карим, Ҳадиси шарифлар ҳамда аллома аждодларимиз асарларида айтилган оила муқаддаслиги борасидаги амр ва кўрсатмаларни, панд-насиҳатларни сингдириб борсак, адашмаймиз. Бу билан бўлажак янги, мустақил ва мустаҳкам оила пойдеворини барпо қилган, айни чоғда, азиз фарзандларимиз олдида, қолаверса, Ватан ва жамият олдидаги муқаддас бурчимизни адо этган бўламиз.

Зеро, мустаҳкам оила жамият ва мамлакат таянчидир.

Хайрулла ТУРМАТОВ,
вилоят бош имом-хатиби.

XXI аср ва дунё

ГЕРМАНИЯ ҚОЧОҚЛАРГА БОШПАНА БЕРМОҚЧИ ЭМАС

Германия Федератив Республикаси бошпана бериш рад этилган кўчманчиларни мамлакатдан чиқариб юбориш жараёнини тезлаштиришга қарор қилгани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.

Ушбу масалага оид қонун лойиҳасини парламент октябрь ойидан кечиктирмай, кўриб чиқиши кутилмоқда. Агар ушбу қарор қўллаб-қувватланса, у 1 ноябрдан кучга киради. Германиядан бошпана бериш рад этилган кўчманчилар уларни мамлакатдан чиқариб юбориш мўлжалланаётгани хусусида хабардор қилинмайди. Чунки, акс ҳолда улар олдиндан яшириниб олишлари ва қаршилик кўрсатишлари мумкин.

Ҳукумат матбуот котиби Штеффен Зайберт айтдики, қочоқларни мамлакатдан чиқариб юборишнинг энг маъқул йўли тижорат авиалинияларидан фойдаланишдир. Бироқ, бу камлик қилса, ҳарбий авиация хизматидан фойдаланиш масаласи ҳам кўрилади.

Таъкидланишича, мамлакатда кўчманчилар билан боғлиқ танг аҳвол кучаяётгани сабабли канцлер Ангела Меркел олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаш сусайяпти. Шу йилнинг охиригача, мамлакатга яна 800 мингга яқин қочоқ кириб келиши кутилмоқда. "Агар қочоқлар фақат иқтисодий танглик туфайли мамлакатимизга келишаётган бўлса, биз уларга юртингизга қайтинг, дейишга мажбурмиз", деди Меркел.

ЯПОН ЯКУДЗИЛАРИ САФИДА БЎЛИНИШ

Япониянинг "Ямагути-гуми" мафия гуруҳи бошлиғи Кэнити Синода ўз ташкилоти сафларида юз бераётган парокандалик сабабли қамалиши мумкинлиги хусусида хабар тарқатди нашрлардан бири.

Нашрнинг маълумотларига қараганда, Синоданинг душманлари унинг молиявий фирибгарликлари тўғрисидаги ҳужжатларга эга бўлганлар. "Ташкилотдан ажралиб чиққан жиноятчилар Синода қанча маблағни ўзлаштириб олгани тўғрисида аниқ маълумот олишган", дея ҳикоя қилади мустақил журналист Ацуси Мизогути.

Япониянинг уюшган жиноятчиликка қарши курашга оид қонунлар бўйича эксперти Хидэаки Кубори клуб аъзолари билан учрашув чоғида шундай деди: "Солиққа оид жиноятчиларни таъқиб қилиш мафиячи гуруҳлар фаолиятини назорат қилишнинг энг самарали усулидир". Юқоридаги нашрнинг маълум қилишича, яқинда рақобатчи гуруҳ раҳбари солиқ тўлашдан бош тортганликда айбланиб, қамоққа олинганди. Энди эса Синодани ҳам шундай қисмат кутаётган бўлса, ажаб эмас.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ ЖИНОЯТЧИЛИКДА АЙБЛАНДИ

Руминия кассация ва адлия олий суди мамлакатнинг собиқ президенти Ион Илиескуни унга қарши жиноий иш очилгани тўғрисида огоҳлантирди.

Associated Press агентлигининг хабар қилишича, Илиеску 1990 йилдаги норозилик акцияси қатнашчиларини шафқатсиз тарзда бостирганликда айбланмоқда. Хусусан, собиқ президент норозилик намойишининг уч иштирокчиси ҳалок бўлгани, шунингдек, яна уч намойишчига жиддий зарар етказилгани учун жиноий жавобгарликка тортилмоқда. Илиескунинг ўзи эса бу айбловларга ҳеч қандай муносабат билдирмаяпти.

Собиқ давлат раҳбари 2005 йилдаёқ 1990 йилдаги июнь воқеалари жараёнида манифестантларга қарши ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этганликда айбланган, бироқ ўшанда иш охиригача етказилмаганини эслатди Associated Press агентлиги. Ўша йили Илиескунинг чақириғига мувофиқ ҳуқуқ-тартибот кучлари билан биргаликда амалдаги ҳукуматни алмаштиришни талаб қилган норозилик намойишини бостириш учун Бухарестга бир неча минг шахтёр келган эди. Тўқнашувлар натижасида олти киши қурбон бўлди, бир неча ўн киши жароҳатланди. 2000 йилда давлат раҳбари этиб тайинланган Илиеску 2004 йилгача шу лавозимни эгаллаб турди.

«ЎЛИМ ЮЛДУЗИ» ЕМИРИЛАЯПТИ

Америка астрономлари йирик тошлоқ сайёрани олисдаги оқ митти юлдуз қандай емираётганини кузатишди.

Nature журналида чоп этилган мақола муаллифи Эндрю Вандерберг шундай ёзади: "Бизнинг кўз ўнгимизда ҳали бирор одам кўрмаган ҳолат – қуёш тизими қандай парчаланаётгани яққол намоён бўлди".

Астрофизикларнинг тахмин қилишларича, олис оқ митти юлдузлар темир, кремний ва шунга ўхшаш элементлар билан "ифлосланиб", тошлоқ сайёралар ёки астероидларни ютаётган бўлиши мумкин. Олимларнинг фикрича, сайёралардан бирининг орбитаси беқарор тус олиб, Қуёш томон сурилиб, парчалана бошлаган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Кўргазма

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий академияси, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, "Санъат" журнали ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Мухрланган давр" деб номланган фотокўргазма ташкил этилди.

СУРАТЛАРДА ИЛК ФИЛЬМЛАРДАН ЛАВҲАЛАР

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Б. Абдуҳалимов, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари К. Пиккат ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда бой маданий, илмий-маърифий, маънавий меросни асраб-авайлаш, уни келгуси авлодларга асл ҳолича етказиш масалаларига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Маълумки, аудиовизуал ҳужжатлар – бадиий ва ҳужжатли фильмлар, радио ва телевизион дастурлар XX ва XXI асрлар ҳақида тўла ва мукаммал маълумот берувчи муҳим манба саналади. Сўнгги йилларда жаҳон кинематографияси арбоблари томонидан яратилган овозсиз фильмларга бўлган қизиқиш тобора ошаётир. Жумладан, Ўзбекистонда XX аср бошида яратилган овозсиз кино маҳсулотлари санъатшунослар, олимлар, тарихчи, этнографлар томонидан ўрганиб келинмоқда.

Овозсиз фильмлар тарихий, маданий воқеаларга бой бўлиши билан бирга, ўша давр нафаси, одамларнинг турмуш тарзи, анъана ва қадриятлари, ландшафт, меъморлик, кундалик ҳаёт деталларини акс эттириши билан ғоят қадрлидир. Шу боис 2005 йилдан буён ЮНЕСКО томонидан ҳар йили 27 октябрь Бутунжаҳон аудиовизуал мероси куни сифатида нишонланади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг "Ўзбекистон театр ва кино санъатининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнлари ижтимоий-маданий эврилишлар кесимида" мавзуидаги гранти доирасида ташкил этилган ушбу кўргазмада илк ўзбек овозсиз фильмларидан лавҳалар тасвирланган юздан ортиқ фотосурат, афиша ва плакатлар намойиш этилмоқда.

Кўргазма доирасида овозсиз фильмлар намойиши ҳам бўлиб ўтди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Болалар спорти

ЧЕМПИОНЛАР МАКОНИ

Чирчиқдаги Олимпия захиралари коллежининг 34 ўқувчиси 2014-2015 йилларда бокс, белбоғли кураш, дзюдо, эшкак эшиш, оғир атлетика, сузиш ва таэквондо бўйича республика терма жамоалари сафида ёшлар ўртасидаги Жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда Олимпияда ўйинларида иштирок этиб, учта олтин, ўн тўртта кумуш ва саккизта бронза медалларини қўлга киритгани бу ерда чинакам чемпионлар камол топаётганини кўрсатади. Агар халқаро миқёсда эришилган бу ғалабаларга мамлакат ички чемпионатларида қўлга киритилган медаллар шодасини ҳам қўшсангиз, муваффақиятлар салмоғи янада ошади.

Хусусан, шу йилнинг 5-12 сентябрь кунлари бокс бўйича ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида 9 коллеж ўқувчиси ғолиблик шоҳсупасидан жой олди. Улар 4 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида ҳам мутлақ ғолиб бўлишди. Шу куни билим юртининг 7 тарбияланувчиси спорт устаси унвонини қўлга киритди. Мусобақаларда барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медаль билан тақдирланган Мадиёр Саидраҳимов, Музаффар Рашидов, Бексултон Равшанов ва Санжар Турсунов олий ўқув юртига имтиёзли кириш имкониятига эга бўлишди. Бу ғалабаларнинг қувончи яна бир хушхабарга уланиб кетди. Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида терма жамоамиз сафида иштирок этган коллежнинг яна бир тарбияланувчиси Дилшод Рўзметов кумуш медаль билан тақдирланди.

Спортда ғалаба ўз-ўзидан келмайди, бинобарин, тинимсиз машқ қилиш ва изланиш зарур. Машқ учун эса шароит ва имконият бўлиши керак. Коллежда ўғил-қизларнинг спорт билан шуғулланиши, маҳоратини ошириши, иқтидорини намоён этиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида белгиланган Дастур доирасида 2004-2005 ўқув йилида коллеж биноси тубдан қайта қурилгани ёшлар учун янада кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

Бугунги кунда коллежда катта тажрибага эга 7 нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, 29 олий тоифали ўқитувчи ва 74 мураббий 600 дан зиёд ўғил-қизга фанлар билан бир қаторда спортнинг кураш, дзюдо, оғир атлетика, бокс, баскетбол, гандбол, велоспорт, эшкак эшиш, футбол, енгил атлетика ҳамда таэквондо (WTF) каби 18 туридан сабоқ беришмоқда.

– Тарбияланувчиларимиз орасида истеъдодлилари жуда кўп, – дейди коллеж директорининг маънавият-маърифат ишлари бўйича ўринбосари Маъмура Ҳожиева. – Улар эришаётган муваффақиятларни нафақат спорт, балки бошқа соҳаларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, билим юртимизни 2014-2015 ўқув йилида тамомлаган 99 ўқувчининг 40 нафари бугун республикамизнинг етакчи олий ўқув юртларида турли касб йўналиши бўйича ўқишни давом эттиришмоқда.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур НАХАЛОВ олган суратлар.



Жиноятга жазо муқаррар

ОҒУФУРУШНИНГ ЮГУРГАНИ... ҚАМОҚХОНАГАЧА

Уйингизда боқаётган товуғингиздан бирортаси касалликка чалинибми ёки бошқа бир кутилмаган тасодифдан ўлиб қолса, анчагача ичингиз ачишиб юриши табиий. Чунки, у рўзғорингизга бинойидек наф келтираётган ва яна қанча наф келтириши мумкин эди. Шу ўринда тасаввур қилинг, товуқ эмас, бирор яқинингиз бевақт қазо қилса, унинг юкини кўтариш оғир бўлади.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда сайёрамизда яшаётган 7 миллиард аҳолининг 3 фоиздан кўпроғи, аниқроғи 210 миллиондан ортиғи гиёҳвандлик домига тушиб қолган. Ҳар куни уларнинг 330 дан ортиғи ҳаётдан бевақт кўз юммоқда.

Аслида, айтишга осондек туюладиган бу рақамлар ортида қанчадан-қанча инсонларнинг аччиқ кўзёшларию чексиз изтиробларини мужассам. Бу ҳам етмагандек, оғу дардига мубтало бўлганлар ўзлари ва яқинлари баробарида, жамиятга ҳам мисли-сиз хавф туғдираётир. Чунончи, гиёҳвандликка дучор бўлганлар, аввало, соғлиғидан айрилиб, меҳнат қилиш қобилиятини йўқотади. Табиийки, бундай ҳолларда жиноятга мойиллик пайдо бўлади. Жиноятнинг нечоғлик даражада содир этилиши эса оғу илинжида ҳар қандай жирканч ишлардан ҳам тап тортмайдиган "мубтало"нинг ҳолатига боғлиқ.

Шунингдек, оғу дардига чалинганлар келажакка, соғлом наслнинг томирига урилган болта ҳамдир. Чунки, гиёҳвандлар билан мустаҳкам оила қуриб, соғлом фарзандларни дунёга келтириб бўлмайди.

Ибтидосидан интиҳоси қадар беқиёс аянчли оқибатлардан иборат гиёҳвандликка қарши мамлакатимизда мислсиз кураш олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон гиёҳванд моддалар савдоси ва истеъмолига қарши қатор қонунлар қабул қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг психотроп модда ҳамда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш конвенциясига қўшилди. Шу ўринда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида гиёҳвандликнинг жамиятга, инсон ҳаётига нечоғлик катта зиён етказиши мумкинлиги, шунингдек, соғлом турмуш тарзининг аҳамияти тўғрисида маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, айниқса, ёшлар ўртасида мунтазам тарғибот-ташвиқот олиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Албатта, бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар ижобий натижа бермоқда. Аммо...

Гуруч қурмаксиз эмаслиги бор гап. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўтказган навбатдаги тезкор тадбирдан сўнг кўп миқдордаги гиёҳванд моддаларни мунтазам Тожикистондан республикамиз ҳудуди орқали Қозоғистонга ўтказиб келаётган Шерзод Эргашев ва унинг опаси Дилрабо Эргашева, шунингдек, Зойир Толипов, Муроджон Азимбоевдан иборат жиноий гуруҳ фаолиятига нуқта қўйилди.

Маълум бўлишича, 2012 йилнинг 22 август куни жиноий гуруҳ аъзолари Ш. Эргашев ва З. Толипов гиёҳванд моддаларни олиш мақсадида Бўка тумани, Навбаҳор қишлоғи ҳудудидаги "ит ҳурмас, гадо топмас" айланма йўллар орқали Тожикистонга ўтишди. З. Толипов шериги Ш. Эргашевни тожикистонлик ҳамтовоқларига гаров тариқасида қолдириб, сув насоси ҳамда пайвандлаш аппарати ичига яширилган героин ва гашиш гиёҳвандлик воситаларини яна ўша айланма йўллар орқали республикамиз ҳудудига олиб ўтди ва "операция"нинг биринчи босқичини муваффақиятли якунлаб, кейинчи босқич – "юк"ни Қозоғистонга ўтказишга киришди. Агар бу режаси ҳам аввалгидек хамирдан қил суғургандек силлиқ битса, арзимаган хизмати эвазига 2 минг АҚШ доллари мукофот пули оларди. Аммо, З. Толипов гарчи сув насосига яширилган героинни белгиланган манзилга етказишни уддалаган бўлсада, пайвандлаш аппаратини чегарадан олиб ўтолмади. 26 август куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ўтказган тезкор тадбирда унинг уйидан гиёҳвандлик моддалари топилиб, гувоҳлар ва холислар иштирокида расмийлаштирилди.

Жиноят фош этилиб, бу хабар тожикистонлик шерикларига етиб боргунча, Тожикистонда гаровда қолган Ш. Эргашев тунги клубларда, қизлар даврасида, хуллас ўзи хоҳлаганидек маишатда ҳаёт кечирди. Аммо, кутилмаганда Ш. Эргашевга нисбатан тожикистонлик ҳамтовоқларнинг муомаласи ўзгариб, унга қўполлик қила бошлашди. Бунинг сабабини сўраб: "Шеригинг бизни ухлатиб кетди" деган жавобни олди. Шунда англаб етдики, шоҳона ҳаёт тамом. Энди зудлик билан қочиш керак. Шундай қилди ҳам. Пайтини топиб, ўзи борган айланма йўллар орқали яна ортга қайтди...

Жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг очиқ суд мажлисида мазкур жиноий иш кўриб чиқилди. Суд Шерзод Эргашевга жазо тайинлашда барча оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Унинг ҳамтовоқлари Д. Эргашева, З. Толипов, М. Азимбоевларнинг ҳар бири суд ҳукми билан 15 йилга озодликдан маҳрум этилдилар.

Сардор БОБОЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-4224. Адади 7603. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.00.